

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси А.Қахрамоновнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Н.Фазлитдинова ва Д.Аманджановалар иштирокида, судья ёрдамчиси С.Мирзаназарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдумажидов, судланувчи Ш.Усманов ва унинг ҳимоячиси К.Исматуллаевнинг қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган Усманов Шухрат Насибиллаевичга оид 1-1601-2408/1235-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Усманов Шухрат Насибиллаевич –05.12.1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 1) ЖИБ Бектемир туман судининг 12.02.2012 йилдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 188-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, 2 йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 18.02.2013 йилда ЖИБ Наманган шаҳар судининг ажрими билан Амнистия актига асосан жазодан озод қилинган,

2) ЖИБ Косонсой туман судининг 29.04.2014 йилдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 25,182-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган,

3) ЖИБ Наманган шаҳар судининг 18.04.2024 йилдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, 2 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмаган жазоси 1 йил 9 ойни ташкил этади, “Жийдакапа карер сервис” МЧЖда ишчи, Наманган шаҳар, “Ифтихор” МФЙ, “Екчи” кўчаси, 9-уйда яшайди, унга нисбатан 2024 йил 10 сентябрь куни қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.09.2024 йилда олган.

Судлов ҳайъати, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб, тарафларнинг музокарасини, судланувчининг охирги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Ш.Усманов муқаддам содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаётган бўлишига қарамасдан қасддан яна жиноят содир этиш йўлига кириб, ўзганинг жуда кўп миқдорда бўлган мол-мулкларини яширин равишда талон-торој қилиш жиноятини содир этган.



Жумладан, Ш.Усманов ўзганинг жуда кўп миқдорда бўлган мол-мулкларини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 6 сентябрь кунидан 7 сентябрь кунига ўтар кечаси соат тахминан 02:00 ларда Наманган шаҳар, “Даштбоғ” МФЙ, А.Темур кўчасида жойлашган “Технопарк” савдо мажмуасидаги Наманган шаҳар “Қадамжо” МФЙ Шахризода кўчаси 2-уйда яшовчи Мусабоев Тохиржон Толибжон ўғлига тегишли бўлган “Tel city” номли телефон дўконига дераза орқали ғайриқонуний равишда кириб, савдо дўконидан 208.360.000 сўм миқдоридagi турли русумдаги 103 дона сенсорли телефон аппаратларини, кассадаги 450 АҚШ доллари ва 10.200.000 сўм пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан номаълум томонга яширинган.

Судланувчи Усманов Шухрат Насибиллаевич суд мажлисида айбига иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 6 сентябрь кунидан 7 сентябрь кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:00 ларда бир ўзи пиёда “Даштбоғ” МФЙ, А.Темур кўчасида жойлашган “Tel city” номли савдо дўкони олдида боргани, шу кун қоронғу бўлганлиги учун кўчада ҳеч ким йўқлиги, ушбу дўконни орқасига айланиб ўтгани, девордан форточкага чиққани, форточкани очиб телефон дўконни ичига тушгани, дўконни ичига тушиб шитдан дўконни чироқлари ва ўрнатилган камерасини ўчиргани, кейин ёнидаги қора рангли сумкага дўкондаги ойнали витринани ичига териб қўйилган турли русумдаги сенсорли телефонларни олиб жойлаштиргани, шу кун витринани ичидаги ҳамма телефонларни сумкага солиб жойлаштиргани, сўнг дўконга қандай кирган бўлса, яъни форточкадан олиб ташқарига чиққани, ушбу телефонларни елкасида кўтариб уйига олиб кетгани, ушбу ўғриликни бир ўзи қилган, дўкондан телефонларни ўғрилаб кетишига ҳеч ким ёрдам бермагани, дўкондан ўғрилаган телефонларни уйига олиб бориб санаганида 103 дона экани, ичида 4 дона Iphone русумли телефон борлиги, хонасидаги диванни тагига яшириб қўйгани, телефонларни сотиб пулларини ишлатиб юбормоқчи бўлгани, дўкондан 450 АҚШ доллари ва 10.200.000 сўм пулларни ўғрилагани, ўғрилаган кун эгнида сариқ кўк рангли нимча, қора рангли кепка, қора рангли ниқоб, қора рангли жесфир, қора рангли трико ва қора рангли пошналари оқ рангда бўлган красовка бўлгани, юзимни яшириш мақсадида, яъни камерага тушмаслик, тушганда ҳам таниб олмаслик мақсадида қора рангли ниқоб тақиб олгани, бу дўкондан телефон ўғрилаб кетган кунидан бир неча кун олдин дўконга харидор сифатида кириб, дўконга кириш мумкин бўлган жойларни ўрганиб, режа тузгани, қилган ишидан пушаймонлиги, имкон бўлганда зарарни тўлашини, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи Ш.Усманов юқорида баён этиб ўтилган ҳолатлардаги айбига иқрор бўлиб иш ҳолатларини батафсил баён этиб кўрсатувлар бериб ўтган бўлсада, унинг айби гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Жабрланувчи Мусабоев Тохир Толибжон ўғли суд мажлисида Наманган шаҳар Даштбоғ МФЙ А.Темур кўчасида жойлашган “Технопарк” савдо мажмуасида жойлашган “Tel city” номли телефон дўконига



савдогарлик билан шуғулланиши, 22.07.2022 йилда давлат хизматлари марказидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгани, 2024 йил 6 сентябрь куни соат тахминан 08:30 ларда дўконга келиб дўконни очиб укалари билан бирга савдо қилишни бошлагани, 22:00 ларда дўконни қулфлаб уйга кетишгани, эртаси куни, яъни 2024 йил 7 сентябрь куни соат тахминан 08:00 ларда дўконга келгани, эшикларни очиб дўконга кирганида дўкон ўртасидаги ойнали витринани ичида 103 дона телефон аппаратлари йўқлигини кўргани, кассада 10.200.000 сўм ва 450 АҚШ доллари пуллар йўқлигини билгани, ИИБ 102-рақамига телефон қилиб дўконда ўғрилик бўлганлиги ҳақида хабар бергани, ҳужжатлар расмийлаштирилгани, судланувчи Ш.Усмановдан 84 966 750 сўм ундиришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Мусабоев Мусохон Толибжон ўғли суд мажлисида Наманган шаҳар Даштбоғ МФЙ А.Темур кўчасида жойлашган “Технопарк” савдо мажмуасида жойлашган “Tel city” номли телефон дўконда ака-укалари билан савдогарлик билан шуғулланиши, 2024 йил 6 сентябрь куни соат тахминан 12:30 ларда дўконга келгани, дўконда акаси Тохиржон бор бўлгани, эртаси куни, яъни 2024 йил 7 сентябрь куни соат тахминан 08:00 ларда уйда ўтирганида акаси Тохиржон унга телефон қилиб тезда дўконга келишини, дўконга ўғри тушганлигини, ўғри дўкондан 103 дона телефон аппаратларини, кассадаги 10.200.000 сўм ва 450 АҚШ доллари пуллар ўғрилаб чиқиб кетганлигини айтгани, дўконга боргани, акаси дўкондаги ўғрилик бўйича 102 рақамига телефон қилгани ва ҳужжатлар расмийлаштиргани кўрсатув берди.

Гувоҳ Эргашев Жахонгир Хамидуллаевич суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида қатнашиб, 2024 йил март ойидан буён Наманган шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиши, 2024 йил 9 сентябрь куни фуқаро Мусабоев Тохирни Наманган шаҳар “Даштбоғ” маҳалласида жойлашган телефон дўконда 103 дона телефон аппарати ва пуллари йўқолганлиги тўғрисида аризаси юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида Т.Мусабоевга тегишли бўлган ўғриланган телефон аппаратлари Имеи кодини база орқали теширилганида ўғриланган телефонлардан “Самсунг А35” русумли телефон аппаратида Насибиллаева Райхона Шухрат қизини номидаги 91-355-52-06 рақами кўйиб фойдаланилганлиги сабабли фуқаро Р.Насибиллаевани “Ифтихор” маҳалласига бориб, у билан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилгани, терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида Р.Насибиллаева дастлаб ушбу телефон аппаратини яхши кўрган йигити Мухаммадқодир совға қилганлигини айтгани, бироқ кейинчалик у ушбу телефон аппаратини отаси Ш.Усмановни ётоқхонасидан олганлигини маълум қилгани, Р.Насибиллаевани кўрсатмасига кўра уни отаси Ш.Усманов билан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилгани, тезкор вакил Ш.Набиев Ш.Усмановни уйига бориб, фарзандлари ва отаси билан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб боргани, шу пайт Ш.Усманов отаси Усманов Насибилло 2 дона сумкадага турли русумдаги телефон аппаратларини тақдим қилгани, Ш.Набиев бу тўғрисида



уларга хабар бергани, у тезкор вакил Ғ.Отабоев ва С.Турсунбоев ҳамда 2 нафар холислар иштирокида Ш.Усмановни уйига боргани, Н.Усманов уларга 2 дона сумкадаги телефонларни тақдим қилгани, тезкор вакил С.Турсунбоев билан биргаликда холислар иштирокида телефонларни кроватга териб санаб кўрганида, 80 дона сенторли 1 дона “Нокиа” русумли жами 81 дона чиққани, шунингдек ушбу баённома орқали сумкани ичидаги бўлган сариқ-кўк рангли нимча ва бир дона кўк рангли ниқоб текшириб кўриш учун баённома орқали олингани, баённомани у расмийлаштиргани, баённомага холислар ва телефонларни тақдим қилган Н.Усманов имзо қўйгани, ўша куни уйда Н.Усманов ва уни набираси Шухратни қизи Насибиллаева Маржона бўлгани, улар холислар иштирокида телефонларни санаб баённома расмийлаштирганини кўриб туришгани, шунингдек Ш.Усмановни қизи Р.Насибиллаевадан олинган 1 дона “Самсунг А35” русумли телефон аппарати билан ҳисобланганида жами 82 дона телефон аппарати олингани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Капуста Руслан Суенович суд мажлисида 2024 йил 9 сентябрь куни шахсий ишлари билан Наманган шаҳар ИИБ ёнида юрганида ИИБ ходимлари ундан бир кишидан нарсани олишда холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, таклифига рози бўлгани, ИИБ ходимлари билан бирга унга нотаниш бўлган ва кейинчалик терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида таниган Усманов Шухратни Наманган шаҳар Ифтихор маҳалласида жойлашган уйига боргани, у ерда ИИБ ходимлари у ва унга нотаниш бўлган битта холис иштирокида Ш.Усмановни отаси Н.Усманов тақдим қилган телефон аппаратларини олиш баённомасида иштирок этгани, Н.Усмановдан 2 дона қора рангли сумкада бўлган секторли турли русумдаги телефонлар олиниб, кроватга териб, санаб кўрилганида ушбу телефонлар 81 дона эканлигини билгани, бу тўғрисида баённома расмийлаштирилгани, сумкани ичида сариқ-кўк рангли нимча ва бир дона кўк рангли ниқоб ҳам бор бўлгани, ушбу 81 дона телефон аппарати, нимча ва ниқоб текширишиб кўриш учун баённома орқали олингани, ИИБ ходимлари бу тўғрисида баённома расмийлаштиришгани, ушбу баённомага у, телефонларни тақдим қилган Н.Усманов ва яна битта холис имзо қўйгани, ўша куни сумкадаги телефонлар текшириб кўрилганида айрида очиқ целофан пакетда айримлари каробкада эканлигини кўргани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Усманов Насибилло Алиханович суд мажлисида, судланувчи Усманов Шухрат уни ўғли эканлигини, 2024 йил 9 сентябрь куни соат тахминан 18:00 ларда уйда ўтирганида 2 нафар фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари келишгани, улар унга ўзларини таништириб қидирув бўлимида ишлашларини айтишгани, ходимлар ундан уйда телефон борлигини сўрашгани, шу пайт ёнига набираси Маржона келиб қолгани, набирасига уйда телефон аппаратлари борлигини айтгани, набираси Маржона ўғли Шухратни хонасига кириб қора рангдаги 2 та сумкадаги телефонларни кўтариб олиб чиққани, ИИБ ходимлари ушбу телефон аппаратлари унга нотаниш бўлган Т.Мусабаевга тегишли бўлган телефон дўконидан ўғирланганлигини айтишгани, ИИБ ходимлари унга



нотаниш бўлган 2 нафар ҳолисларни олиб келиб, сумкадаги телефонларни кроватга олиб теришгани, улар телефонларни санаб кўришганида 82 дона эканлигини билгани, ИИБ ходимлари у ва икки нафар ҳолислар иштирокида баённома расмийлаштиришгани, сўнг телефонларни текшириб кўриш учун олиб кетишгани, кейинчалик ўғли Ш.Усманов Т.Мусабаевга тегишли бўлган телефон дўконидан телефонларни ўғирлаганини билгани ҳақида кўрсатув берди.

Дактолосокопия экспертизасининг 20.09.2024 йилдаги Э-319-сонли хулосасида дўкон эшигидан олинган 1 дона қўл бармоқ изи Ш.Усмановни чап қўл кафт қисмига тегишли эканлиги, 4 дона қўл бармоқ изи Т.Мусабаевга тегишли эканлиги ва 2 дона қўл бармоқ изи дўкон ишчиси М.Мусабаевга тегишли эканлиги кўрсатилган.

Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида Ш.Усмановдан фуқаро Т.Мусабаевга тегишли бўлган 82 дона турли русумдаги сенсорли телефон аппаратлари ва воқеа жойига ўрнатилган кузатув камераларидан Ш.Усманов телефон аппаратларини ўғирлаб кетаётган жараёни туширилган 1 дона диск текшириб кўриш учун баённома орқали олинган ва ашёвий далил деб эътироф этилган.

Судлов ҳайъати, давлат айбловчисини хулосасини, судланувчи, жавобгарни, гувоҳларнинг кўрсатувини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига иқдор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг берган кўрсатувлари, дактолосокопик экспертиза хулосаси, Н.Усмановдан 81 дона телефон аппаратларини олиш баённомаси ва ашёвий далил деб топиш қарори, воқеа содир бўлган жойга ўрнатилган кузатув камерасидан ёзиб олинган видеотасвирлар, алоқа хатлари ва уларга берилган жавоб хатлари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Судлов ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан Усманов Шухрат Насибиллаевич ўзининг жинойий ҳатти-ҳаракатлари билан, яъни жабрланувчи Т.Мусабаевни жуда кўп миқдорда бўлган 218.560.000 сўмлик мол-мулкларини ва 450 АҚШ доллари миқдоридagi пулларини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20, 28-моддаларига кўра, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.



Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорнинг 3-бандига кўра, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланган.

Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Судлов ҳайъати, юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари ва қонун талабларига амал қилиб,



судланувчи Усманов Шухрат Насибиллаевичга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, қилмишидан чин кунгилдан пушаймонлиги, ёшини, оилавий шароитини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни судланувчи Ш.Усмановнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам кам озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида, судланувчи Усманов Шухрат Насибиллаевичга муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 18 апрелдаги ҳукми билан тайинланган жазони, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

судланувчи Ш.Усмановдан жабрланувчи Т.Мусабаев фойдасига 84 966 750 сўм ундиришни;

ашёвий далил деб эътироф этилган:

бир дона нимча, бир дона красовка, кўк рангли ниқобни йўқ қилишни; дастлабки тергов жараёнлари акс этган бир дона дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни;

82 дона телефон аппаратлари жабрланувчи Т.Мусабаевга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,26-29-моддалари ҳамда ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи Усманов Шухрат Насибиллаевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Усманов Шухрат Насибиллаевичга Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида, судланувчи Усманов Шухрат Насибиллаевичга муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 18 апрелдаги ҳукми билан тайинланган жазони, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 6 (олти) йил 2 (икки) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони ўташ муддати 2024 йил 10 сентябрдан бошлаб, умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Судланувчи Ш.Усмановга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.



Судланувчи Ш.Усмановдан жабрланувчи Т.Мусабаев фойдасига 84 966 750 сўм ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган:

бир дона нимча, бир дона красовка, кўк рангли ниқоб йўқ қилинсин; дастлабки тергов жараёнлари акс этган бир дона диск жиноят ишига қўшиб сақлансин;

82 дона телефон аппаратлари жабрланувчи Т.Мусабаевга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилингандан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

А.Қахрамонов

Ҳалқ маслаҳатчилари

Н.Фазлитдинова

Д.Аманджанова

